

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

маларнинг, муассасаларнинг, ҳуридлишларнинг, колхоз ва совхозларнинг коллективларига, Совет Армияси ва Флотининг ҳисматлари ва қўшмалаларига, барча меҳнатдашларга шу қутлов ва табриқлар учун Украина Коммунисттик партияси Марказий Комитети, Украина ССР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Министрлар Совети самимий ташаккур изҳор қилади.

УКРАИНА ССР
ОЛІЯ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

УКРАИНА ССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ХУКУМАТ МУКОФОТ-
ЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

29 ден бора Тошентда санат-
курсияли, кишлок хўжалиги
транспорт ходимлари, милиция,
давлат ҳавфсизлиги органлари
қалн маориф ва оңартув, соғ-
лини сўлаш ходимлари, финан-
техника, санъат эрбодларидан на-
та бир гуруҳлаш Совет Иттифо-
қ ордан ва медаллари, Ўзбекистон
Компартияси Маркази Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Пр-
зидиуми ва республика Министр-
лар Советининг ССР Ўзбекистон
Президиумининг Фахрий Ёрлик-
лари; республиканинг Фахрий ун-
вонлари бериш тўғрисидаги Ёр-
ликлар топшириш.

Юксан мунофотларни СССР
Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР
Олий Совети Президиумининг раиси
Ш. С. Мадрисовнинг

Колхозларнинг раисларига ва мутахассисларига шולי етиштириш ишига бевосита раҳбарлик қилганликлари учун мукофот шולי етиштириш планининг ошириб бажарилган ҳар бир проценти учун берилади.

[illegible]

150 тоннагача	4	1
151 тоннадан 500 тоннагача	7	2
501 тоннадан 1500 тоннагача	10	3
1501 тоннадан 3000 тоннагача	12	4
3001 тоннадан 6000 тоннагача	15	5
6000 тоннадан юқори	20	6

Қўшимча ҳақ шולי етиштириш ба давлат га уруғлик топшириш йиллик плани бажарилган тақдирда. бошқа экинлар бўйича ишлаб чиқариш планлари бажарилиш-бажарилмаслигини ҳисобга олган ҳолда, барлиб бопилади.

Область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область кижияр комитетлари ва қишлоқ ҳўжалик органлари шоди етиштириш билан банд бўлган қишлоқ ҳўжалик ходимларини моддий рағбатлантиришининг белгиланган тартиблари тўғри қўлланилиш устидан қатъий назорат ўрнатилари зарур.

1968—1970 йиллар давомчида 42 миң тонна ҳажмдаги 7 та дон қабул қилиш пунктлари қўриш, 24 миң тонна ҳажмдаги ҳозир мавжуд база ва пунктларда дон омборлари қўриб биттазиш мавжуд 14 та омборни механизациялаштириш, шунингдек, дон маҳсулотлари базаларида учта темир йўл ва 15 та автомобиль таразюлари ўрнатиг қўза ту-

Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари ва ағраш озуқа саноати министилрига 1969-1970 йиллар планда шу мақсадлар учун зарур капитал маблағлар лойиҳалаш учун лимитлар кўзда тутиш ҳамда қурилиш ва монтаж ишларини бажармоқ учун пулратчиларини аниқлаш топ-

Шоликор колхоз ва совхозларни ишчи кучи билан таъминлаш юзасидан, колхозчиларга ва совхозларнинг ишчиларига зарур, маданий-маънавий шаронгларни яратиб бериш учун тadbирлар кўзда тутилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳужалик министр-
лигига ва Ўзбекистон шоякорлик илмий-тад-
қиқот институтига шолӣ селекцияси бўйича
тадқиқот ишлари савиясини ошириш тақдир
этилди. Бунда кўпроқ тезпишар, юқори ҳосил

берадиган шולי навларини яратиш. шолн ўриш-янчишни механизациялаштиришни кўчатириш, дастлабки уруччиликни ахишлал ва шолнок жўмалликларнинг элита урунига бўлган талабини "тўла қондирш, қамшига қарши кураш учун кўпроқ фойда берадиган тадбирларни ишлаб чиқиш гебрицдаллардан фойдаланиш, шу билан бирга, шолн ештириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадбирлар белгилаш топширилади. Бу тадбирлар ҳосилдорлигини ошоншга, механизация воситасидан янада унумдорроқ фойдаланишга, шолн ештиришга сарф-харажатларни қамайтириш ва унинг таннархини пайсай-

тиришга қаратилган бўлмоғи керак.

Ўзбекистон шолікорлик илмий-тадқиқот институтига навли шолі уруги етиштириш бўйича уругчилик ҳамда бошқа шолікорлик хўжаликларига методик раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилди.

АТЛИН

чалари ораллиги»
онда қурлиши
...
лизилада қўлгина
Тошкент об-
иетини биноси
ди. Ҳозир бу
струкция қилин-
лани биттач, бу
онини нолиди ала-
лари жойлашади

[illegible]

төн ССР-д хизмэт хүсрэтэн факторбон Д. Н. Манушвов, Узбенистон ССР-д Олга Сунаинин, элчлэлт дэслэлчид хизмэт хүсрэтэн хурият М. М. Смолов, ГПИ-4 лойхичинститутин группа рахбарин Ф. Н. Иванова муулолтангаанлар, номон сүзэг чиниб, 93 мекхатларинг, номон бахо берилгангитучу, номонон Коммунистин партиатга, совет хууиматига ташанкур асариндилал.

Е. С. Бялоряднов муулолтангаанларин самини кутлаб, уларга сихат-саламатин, Ватан бахтсалаати, бутун совет халх бахтсалаати буйдаг мекхетларинд янгй муулолтангит тилид.

(УГАГ)

Тошкент область савдо тармоқларини ходимлари буйисел йили учун мўлжалланган товар обороти планини 28 декабрда муддатидан илгари бажардилар. Область савдо системаси коллектив Совет ҳокимиятининг шонли 50 йиллиги ва доҳимиз В. И. Ленин туғулган кунинг 100 йиллиги шарафига умумжаҳод соҳнастик мусобақасини авж олдириб, ўз зиммасига олган мажбуриятлардан асосий кўрсаткичлар бўйича тўла адо этди.

Областада аҳолига савдо хизмати кўрсатиш ишн бу йил бирмунча яхшиланил, савдо савдос маданияти ошди.

Йилг йил арафасида шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига уюш қоқил билан савдо хизмати кўрсатаётган область савдос ходимлари йил охиригача пландан ташқари яна 4,1 миллион сўмлик товар сотиш учун курашмоқдалар.

Оржоникидзе районининг
чорвадорлари янги йилни меҳ-
натда катта муваффақиятлар
билан кутиб оляптилар. Узар
давлатга гўшт ва сўт ситиш
йиллик плавларини ортиб чи-
қариб бажардилар. Ҳозиргача
давлатга 83 минг 447 центнер
сўт, қариб 30 минг центнер
гўшт етказиб берилади.

Бу ютуқда «Химик», «Қиб-
рай» совхозлари ва Фрунзу-
номли, Жданов номли, «Қизил-
ту», «Лейна» колхозлари
чорвадорларининг ҳиссаси кат-
та бўлди.

И. ҲУСТАМОВ.

АЛБ

700 га яқин хона бўлади. Бунинг 240 таси область кичиряа комитети ихтиёрга берилади. Қолган хоналарда эса областнинг турли башкармалари жойлашади.

Вестбиол, гардероб, лифтоларишлад туради. Ҳар бир қаватидан буюф бунди. Ҳуқуқ қаватидан буюфнинг икки қавати ер остида бўлади. Автомат телефон станцияи уратилади. Маъжислар эли 60

Кўрвачилининг катта сафиди бошқош бўлган ёш бинокор инжигер Руслан Соатов бор бўлими ва кичини миға солиб меҳнат қилипти. Ўз меҳнат фаолиятини фақат хўрнат қозониш билан бошлаган бу ғиғит энди баҳорини кўрди. Унинг орзуси шахонмизин янада гузал қилиш уларбўйи биноклар бунда эҳтимол. Русланининг икятиға тиласи дошмиз.

учалари оралиги-
онда қурилиш


— Доҳимиз В. И. Ленин ту
ган кунининг 100 йиллигини м
сиб совғалар билан кутиб о
учун социалистлик мусобақа қ
кетди. Ҳар қайси коллектив б
наин соғайса билан кутиб ол
таралдууд кўраётган, — деди
Соатов. — Биз ҳам бу ҳарак
қўшилиб, бинонин ана шу

[illegible]

Кўрвачилининг катта сафиди бошқош бўлган ёш бинокор инжигер Руслан Соатов бор бўлими ва кичини миға солиб меҳнат қилипти. Ўз меҳнат фаолиятини фақат хўрнат қозониш билан бошлаган бу ғиғит энди баҳорини кўрди. Унинг орзуси шахонмизин янада гузал қилиш уларбўйи биноклар бунда эҳтимол. Русланининг икятиға тиласи дошмиз.



БЕШ ЙИЛЛИК ОБЪЕКТИДАН РЕПОРТАЖ



ЧАПДАГИ суратда нурхона қурилишининг участкаларидан бири тасвирланган. Ўртадаги суратда эса тоғ тагидан тоннель қазинида жонбозлик кўрсатиб ишлаётган проходкачилардан Я. Левченко ва Я. Мануйко ўртоқларини қўриб турибсиз. Эски узани бўғилган шўх Чирчиқ дарёси мана шу канал орқали оқмоқда (Ўнгда).

КЕЛАЖАККА САЁҲАТ

Поёни йўқ мовий денгиз кўзига кўради қаматилади, тоғ ортидан кўтарилган қуёш нурида ақиб товланади. Танга ором бахш этувчи муздек шабада юз-қўлиниги сизлаб ўтиб, сочлариниги тўзғитиб эркалайди. Денгизнинг кўм-кўк сатҳида оқ қушлар виқор билан сузиб юрилади. Қушларнинг қий-қуви узоқ-узоқлардан эшитилади. Ёнингиздаги ҳамроҳингиз шундоққина соҳилда чайқалиб турган катерга сизни танилтилади. Катер яқиндаги оғзақ интилади. Сув тўқилишини ёриб боради. Ҳамроҳингиз узоқ-узоқларга нигоҳ ташлар экан:

— Қалай, денгизимиз ёқинми? Бу кишиларимиз қўли билан яратилган. Узунсига 25 километр, энгаси эса 10 километр бўлиб кетган. Сатҳи 40 квадрат километрдан ортироқни ташкил этади. Агар қирғоқлари бўйлаб пиёда сайр қилмоқчи бўлсангиз кам деганда тўрт кун вақт керак... дейди гурур билан. — Денгизимиз шифобахш. Унинг соф ва мусоффо ҳавосидан баҳраманда бўлган кишининг уйига-уйи кўшилади.

Кўкер ҳаво учиб боради. Денгиз соҳиллари жуда ҳам гўзал. Тоғлар қилиб ҳузур қилаёсиз. Теварақатроғдаги гўзал ва шинам уйлар, кўм-кўк боғроғлар оғушидаги янги-янги саторийлар ва дам олиш уйлари гавжум. Бу ерда меҳнат завоқини сурган юзлаб азаматлар, мирзиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Пастдаги йўшили, Приморье шаҳарчалари завоқини гавжум қўшади. Олсиз эса кўркам Ғазалиент шаҳри кўзга ташланади.

Соҳилда сон-санокенз палаткалар. Уларнинг ҳаммаси кўндаларини ўз оғушига олган. Улар ўз отушчаларини, дам олиш кўндаларини ана шу ерда ўтказишга келган. Шаҳарлар, деҳқонлар, Гўзал поҳин тоғлар қилиб, унинг оромбахш табиятини мириниб дам олган кетган туристларнинг сон-санокенз бўлди.

Сув тўқилишлари сизни ўз каттига илғари олиб кетади. Икки қалай шўх, жонбоздор, ўйинчи. Денгиз сатҳида сузиб юрган катта-кичик кемалар, моторли ва елканли қийқиларда сайр қилаётган кекасо-ешларнинг шўх хандаси бу ерда фойда кўриб юборади.

Денгиз этагидидаги ушан нурхоннинг турбиналари тинимсиз ишлаб турипти. Қудратли сув уларни ҳаракатда келтирмоқда. Улар ҳар соатда юзлаб минг киловатт электр қуввати

ЧОРВОҚ СУВ ВА НУР

ҳосил қилмоқда. Бу қувват шаҳар ва қишлоқлар томон оқиб бормоқда. Шаҳарларча қароғон қилипти. Заводлардаги минг-лаб станокларни ҳаракатда келтирмоқда. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

...Мухтарам газетхон, Чорвоқнинг келажига бироз саяҳат қилдик. Лекин бу аjoyиб тасвирнинг гувоҳи бўлишимизга кўп вақт қолгани йўқ. Бир неча йилдан кейин ҳозирги Чорвоқ шундай қиёфага қиради. Унинг келажиги шундай гўзал ва қувватли.

Бу ерда қуриладиган электростанция ва сувнинг денгиз Бустолиқнинг кўркам ҳуснига ҳол бўлиб туради. Унинг қиёфасини тўздан ўзгартариб юборади, қиёмини янада шифобахш қилади. Шу кўндаларда Ўрта Осиёнинг ана шу йирик электростанцияси қурилиши мадал олиб бормоқда. Асос ва шўх Чирчиқ дарёси тўсилаётган шўх қирғиқ меҳнат фронтини эслатади. Экскаваторлар ва бўльдозерлар, тракторлар ва грейдерлар ҳайқирғи ҳамма ёқни тутиб кетган. Наъра тортиб қирға ўрмалаб чиқиб кетаётган БелАЗ, МАЗ, ЯЗ автомашиналарининг кети узилмайди. Кўтарма қанлар тинимсиз ҳаракатда. Ёнингиз қудратли ҳартуми билан неча тоғна оғирлидаги темир конструкциялар темирбетон деталларини бинокорлар ва монтажчиларга

узатиб турипти. Ҳа, бу нурхона қурилишида меҳнат бир дақиқа ҳам тинмайди. Тоннел очилганлар, бетончилар, механикаторлар, пайвандчилар, портлатувчилар... туни кунга, кунини тунга улаб ишлашга, Мутахассислар, муҳандислар, пробадорлар, лойиҳачилар ва ман қозғаларига тикилишган, ҳаёлларга берилган...

Чорвоқ ГЭСи бунёдкорлари қурилиш давомида маълум қиёбончиликларга дуч келмоқда. Лекин азаматлар бундай қийинчиликларни мардонавор енмоқдалар. Қурилиш базисини бир тажриба мантии. Бу ерда жуда кўп янгиликлар қўлланилмоқда. Қурилиш ўзгача паронда амалга ошириляпти. Нурхона маъмуриятида, биринчи бўлиб мураккаб тоғ шартларида бунёд этиляпти. Шу боислаб ҳам Чорвоқ қурилоқда, ҳам тажриба тўплайпти.

Гидроузел қурилиши тажрибаси ҳорийий мамлакатлар мухтаассисларини ҳам қизиқтирмоқда. Шунинг учун ҳам чет элдан бу ерда тез-тез делегациялар келмоқда. Чорвоқ ГЭСи қурилиши билан танишмоқда. Шу йилнинг ўзидеҳ Руминия, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия ва Германия Федератив Республикаси келган мутахассислар Чорвоқ гидроузелини яратётганлар меҳнатига юксак баҳо беришди.

да Ватанга меҳр тўлиб-тошган. Ўлканинг сув ва нурга буржашдек улут мақсад сари иштироқчилар бу ерда ишламоқда. Уларнинг ҳар қурилиш меҳнати қаҳрамонлигига тенг. Жуда мураккаб шартларда ишлашларига қарамай фидокорлик кўрсатмоқдалар. Ўз ва зифаларини беаним-қўст бажармоқдалар.

Самарали ва баракали меҳнати билан бу ўлка қурилишга доғ таратган меҳнатсеварларнинг сон-санокенз йўқ. Турғун Қурбонов уларнинг бири. Азамат-ишга дастлаб келганда бирорта қурилиш билмас эди. Аввалига ёрдамчи ишларини бажариб юрди. Электр пайвандчилик касбида шў ерда меҳр қўйди. Бунинг учун ўқиди, ёргайди. Мақсадига эришди. Ёнгиликча у 4-разряд пайвандчи. Ёнг мураккаб металл конструкцияларини пайванд қилди. Тўғна остига қўйилган арматураларини бир-бирига улатган ҳам бўлди. Механизаторларнинг ҳаласкорлиги ҳисобланади. Экскаватор ёки тракторнинг қисмлари синиб қолгудек бўлса Турғунга мурожаат қилинади. У бир змида пайванд қилиб беради. Шунинг учун ҳам у обрў-этибор ортирғай.

Экскаватор машинисти Николай Александрович Колбасининг помини ҳамма ҳурмат билан тийла олади. Уни миллионер деб аташади. У шундай номга меҳнат билан мусоас бўлди. Чорвоқ электростанцияси қурилишида биринчи қатори келган. Илгари Мирзачўлда янги каналлар очилди шундоққина. Николай Александрович 1963 йилнинг 5 январини ўз экскаватори билан дастлаб қубометр тошини қазиб олди. Шу-шў тинимсиз меҳнат қилмоқда. Экскаваторини доим яқини қолда сақлаётти. «Йўйро» эса ўз ағасига сийдиладан хизмат қилмоқда. Донгдор маъинист бирнеча миллион кубометр тупроқ-шағал ишларини бажари. Хали Чорвоқ қурилишида бирор экскаватори бундай кўрсаткичга эришганича йўқ.

Абдуҳамид Абдунабиев бригадаси аъзоларининг меҳнати таҳсинга сазоворди. Бу портлатувчилар қурилиш ишларини тейлаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу ҳақда бригадирнинг сўзларига қўлоқ солинг.

— Бундай қараганда ишимиз жуда ўнғайга ўхшайди. Тешик пармалаб, тротель қўйин-у, портлатавер. Аслида ундай эмас портлатишдан олдин. Жуда мураккаб, ҳисоб-ниҳоблар қилиш керак. Портлатилган массаининг қаёққа отилишининг режаси бўлиши керак. Ақс ҳолда иш эсе кетади. Чорвоқда тешик ҳар қуни тинчлик портлатишлари бўлиб туради. Жуда катта ҳажмдаги эса ҳамма ёқни ларзага солади. Бизнинг бригаданимиз бир йўлда 250 минг кубометр қазилди тошларини портлатган ҳам. Яқинда 130 минг кубометрлигини портлатди. Ҳозир эса 71 минг кубометр массаини бир йў-



Электр станция қурилишида минглаб тонна арматура монтаж қилиняпти. Суратда: ўртоқ Ю. Лижов-бригадаси арматура қарқасини йиғмоқда. Н. Третьяков фотоси.

ла портлатишга тайёргарлик қуралими. Ҳа, портлатишлар бинокорларнинг мадақдори бўлиб қолган.

Бетончилар бригадир Михаил Иванович Муршовини ўз касбининг устаси деб юритишди. У катта тажрибага эга. Ишлаган жойларининг сони 10 дан ортиб кетди. Аксарияти электростанциялар қурилишидир. Братск ГЭСи қурилишининг бошидан-охиригача бўлди. Сўнг бутун бригадаси аъзолари билан Чорвоқга келди. Мана, уч йилдан бери шу ерда ишлаяпти. Ёнг мураккаб топириқларини бажаради, унинг бригадаси. Электростанция тўғрисида асосия бетон ётиришнинг асосан шу бригада аъзолари қилди. Нурхона доим 1,5 бараварга етказиб бажарилади.

Гидроузел қурилишида фарҳодчасига зўр иштиёқ билан

меҳнат қилаётганлар юзлаб, минглаб. Бургучи Ш. Алимов, дурадгор Х. Рафуров, электрчи А. Жумабоев, бўльдозерчи Н. Терентьев, монтажчи-слесарь П. Исаев, Л. Семеньяко, В. Суровцев, Л. Ополев, А. Карелин ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадалар шўлар жумласидандир. Улар бинокорлар қолдирган қўлга киритаётган қўшмоқдалар. Топириқни доим эиёлас билан адо этиляпти. Ишда бошқаларга ўрнэк бўлмоқдалар. Фидокорона меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Қурувчилар ва монтажчилар коллективи йил бошидан бери жуда катта ҳажмдаги ишларини амалга оширди. Тўғна тағна 40 минг кубометр бетон ётирилди. ГЭС биносига пойдевор қўйилди. Ёнган ортик ёрдамчи объектлар, маданий-манший муассасалар бунёд этилди.

РЕЖАЛАР ВА ИСТАКЛАР

Нурхона бунёдкорлари келгуси йиллар режаларини баъсалахат тўзиб қўйишди. Шунга мувофиқ ГЭСнинг биринчи турбинаси 1970 йилда, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ишга туширилади. Ўшанда 150 минг киловатт қувватли агрегат ҳалқ хўжалигини ахтиёжлари учун электр токи етказиб бера бошлайди.

Мавжуд имкониятлар бу режанинг тўла амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин бу муҳим вазифа зақасди, бош пудратини ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг бир ёқдан бош чиқариб, баъсалахат иш қуришларини такозо этади. Чунки бир-данлиқ бўлмай қандай пухта ўйлаиб тузилган режани ҳам амалга ошириш амри-маҳол. Чорвоқ ГЭСи қурилиши тажрибаси ҳам шундан далолат

бериб турибди. Занази ва пудратчи ташкилотлар ўртасида яқин алоқанинг йўқлиги жуда кўп объектларда ишнинг вақтида тугалланмаслигига сабаб бўлди. Масалан, сув омбори қурилишида шундай аҳвол содир бўлди. Унинг лойиҳаси ўз вақтида тайёрлаб берилмади. Бунинг устига лойиҳачиларнинг четрёллари текширилганда уларнинг тамомила яроқсиз эканлиги маълум бўлиб қолди. Уни қайта ишлаш эса жуда қўйинли кетди. Оқибатда сув омбори қурилишини бошлаб юбориш ани кечикди.

Бундай камчиликнинг келаси йили ҳам такрорланши ҳолатдан маълум бўлиб қолди. 1968 йилда қурилиш бошланганда бир қанча объектларнинг лойиҳалари хали ҳам бинокорлар қўлига текканча йўқ. Қурилиш учун зарур бўладиган қатор материаллар ва буюмлар ҳи-

соба олилмади, уларни тайёрлаб берувчи корхона белгиланмади. Бу, албатта, ишга салбий таъсир кўрсатади.

Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар фаолиятида ҳам қатор камчиликлар борки, уларни такрорламаслик учун барча чораларни кўриш керак. Улар қурилиш-монтаж ишлари топириқларини аввалги йилдаги қараганда анча кенгайtirган бўлсалар ҳам давлат планини бажаришнинг ўлдасидан чиқмадилар. Гидротехника иншоотлари қурилиши бошқармаси, анча қондорсиз ишлади. «Чорвоқ ГЭСстрой» бошқармасининг иш ажувлари ҳам қўнғилдагидек бўлмади. Бунинг сабаби нимада?

Бошқариш раҳбарлари ишчи кучи ва техниканинг етишмаётганлигини асосий сабаб қилиб кўрсатишмоқчи бўлади. Бунда улар маълум даражада ҳақли. Лекин камчиликларни шўлар билангина изохлаш тўғри эмас. Меҳнатни ташкил этишдаги тала-партишчиликлар бунинг асосий сабабидир. Аввало шунини айтиш керакки, иш вақтидан фойдаланиш яқини эмас. Қатор участкаларда меҳнат иштироки бўшатиб кетган. Ишга неч келиш, барвақт кетиб қолш, сабабсиз ишга чиқмаслик ҳолати тез-тез учраб туради. Масалан, шу йилнинг тўқинчи ойида прокуратурада тўрт мингга яқин ишчи кўни бўғотишган. Вақолатини, ана шу кўнлар ичиде жуда катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бажариш мумкин эди.

Бригадаларда иш вақтининг аянчига қисми фойдасиз ўтапти. Ўрта ҳисобда бригадаларда 20 процентгача иш вақти бекор кетмоқда. Нормалаштириш — таъдиқот станцияси томонидан ўтказилган текширув айрим бригадаларда иш вақтининг 31 процентгача-си фойдасиз ўтаётганлигини кўрсатади.


Автомашиналардан етарли фойдаланилмаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Авто-транспорт хизмат қурилишда жуда катта роль ўйнайди. Аммо шунга қарамай, автомашиналар яқини ишлатилмапти. Уларнинг ишга чиқиш коэффициенти 0,45 ни ташкил этмоқда. Норматга мувофиқ эса у 0,60 га тенг бўлиши керак.

Нурхона яратётганларга меҳнатчилар билан ёрдам бериш керак. ГЭС қурилиши маидафлар шунини такозо этмоқда. Айрим меҳнатчиларнинг етишмаётганлиги тўғрисида муайянлаш ишларини тўла амалга ошириш мумкин бўлмапти. Биринчи агрегатини ўз вақтида ишга тушириш учун қурувчиларга қўшумча экскаваторлар ва бўльдозерлар, автосамосваллар ва автогрейдерлар, тягачлар етказиб бериш керак.

— Коллективнинг беш йиллигини унчинчи йилини зарфдор меҳнат йили деб белгилади. — дейди «Чорвоқ ГЭСстрой»нинг бош инженери Моисей Шапсевич Дурдентер. — Ҳамма бинокор ва монтажчилар белгиланган режаларини тўла амалга ошириш учун астойдил қуралишини кўнғилга тўзиб қўйди. Барчаннинг фикриники, меҳнати шунга қаратилган. Бу эса келгуси меҳнати миздаги катта-катта галабаларга таров бўлади.

Азиз бунёдкорлар! Улут мақсад йўлидаги меҳнатингизга катта-катта галабалар тийла-миз. Ютуқларингиз янада бара-нази ва салмоқли бўлсин! Нур ва сув макони праидида сизга муваффақиятлар ер бўлсин!

М. МИРХАМИДОВ,
Р. УМАРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махус муҳбирлари.



КОМПРЕССОР станцияси тоннель қазинида иш шартини яхшилашга хизмат қилмоқда. У иш участкаларига тоза ҳаво юбориб туради. Суратда: компрессор станциясининг машина зали.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

■ Нурхона қурилиш бошланганидан бунён ҳаммаси бўлиб 62 миллион 172 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади.
■ Деярли 15,5 миллион кубометр ҳажмида тош ва шөгал қазиб чиқарилади. 380 минг кубометрдан кўпроқ темир-бетон конструкциялари, 50 минг кубометр йиғма темир-бетон деталлари монтаж қилинди. 10 минг тоннадан кўпроқ металл конструкциялари ўрнатилди.
■ Чорвоқ посёлқасида жами 85,6 минг квадрат метр уй-жой қурилиши керак бўлса, ҳозиргача унинг 66 минг квадрат метри қад кўтарди.
■ Қурилиш бошланганидан бунён қатор маданий-манший

муассасалар бинолари фойдаланишга топширилди. 600 ўринли маданий сарой бинокорлар хизматида. Бундан таъқир, ёғи ва қишқи кинотеатрлар, болалар боғчалари, кир ювиш корхонаси ишлаб турибди. 120 ўринли касалхона қурилиш охирига яқинлашяпти.
■ Чорвоқда 600 минг киловатт қувватли электростанция билан бир қаторда жуда катта денгиз ҳосил қилинади. Унинг ҳажми 40 квадрат километрни ташкил этади. Деярли ҳозирги вақтда фойдаланилаётган 280 минг гектар ери сув билан таъминлашни ахшиллади, ангидан 145 минг гектар ери сутуриш имконини беради.

